

3<sup>rd</sup> OCTOBER

2022



**ISOC**  
INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC  
ONLINE  
CONFERENCES

zenodo OpenAIRE



digital  
object  
identifier

OPEN  ACCESS

# NETHERLANDS

INTELLECTUAL EDUCATION  
TECHNOLOGICAL SOLUTIONS  
AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS



[info.interonconf@mail.ru](mailto:info.interonconf@mail.ru)

[www.interonconf.com](http://www.interonconf.com)



**ISOC**  
INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC  
ONLINE  
CONFERENCES



# INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS

International scientific-online conference

Part 9

OCTOBER 3<sup>rd</sup>

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

AMSTERDAM 2022

**TABLE OF CONTENTS**

<b>Safarova Jasmina Botir qizi</b> <i>KATTALARGA NISBATAN YOSH BOLALARDA KREATIVLIKNI YUQORI BO'LISH SABABLARI</i>	6
<b>O'g'iloyxon Yigitaliyeva Anvarjon qizi</b> <b>Maxbubaxon Yigitaliyeva Anvarjon qizi</b> <b>Vahobjon Umarovich Xo'jayev</b> <i>BUG'DOY NAVLARI DONINI SAQLASH. ZARARKUNANDALARGA QARSHI KURASH USULLARI. KIMYOVIY VOSITALAR VA IQTISODIY SAMARADORLIK.</i>	10
<b>Mamatqulov Bekzod</b> <b>Mirsoliyeva Durдона</b> <i>QO'G'IRCHOQ SPEKTAKLLARI TUG'ILISHIDA BOSHQARISH MEZONLARINING O'RNI</i>	14
<b>Усмонова Мадина</b> <i>СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛИНГВОКУЛЬТУРНОГО КОНЦЕПТА ВНЕШНОСТЬ</i>	17
<b>Sherkulov Shohruh Erkin o'g'li</b> <i>O'ZBEKISTONNING XALQORO REYTINGLARDAGI MAVQEINI OSHIRISHDA KLASSTERLARNING AHAMIYATI</i>	24
<b>Авезова Диловар Салимовна</b> <b>Avezova Dilovar Salimovana</b> <i>АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АСАРЛАРИДА УЮШИҚ БЎЛАКЛАР ВА УЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.</i>	29
<b>Саидова Мохира Расуловна</b> <b>Saidova Moxira Rasulovna</b> <i>БИР ТАРКИБЛИ ГАПЛАРНИНГ ЭНГ КИЧИК ҚОЛИПИ ХУСУСИДА</i>	32
<b>Hamroqulov Mahmud G'ofurjonovich</b> <b>Jo'rayev Firdavs Muhiddin o'g'li</b> <i>"ZAMONAVIY IT TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA SIFAT NAZORATINI TA'MINLASH VA OZIQ-OVQAT KORXONALARINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH"</i>	35
<b>Shakhnoza Pardaboeva</b> <i>MANIFESTATION OF GENDER EQUALITY IN DIFFERENT ASPECTS</i>	39
<b>Shakhnoza Pardaboeva</b> <i>TRENDS OF TOURISM DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN</i>	44
<b>Shakhnoza Pardaboeva</b> <i>THE UNIQUENESS OF BEHBUDI'S LIFE AND ARTICLES</i>	47
<b>Yandashova Dilniso Shavkat qizi</b> <i>ABDULLA O'RPOV BADIY DISKURSIDA „INSON“ MAKROKONSEPTINING LINGVOKOG NITIV VA LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI.</i>	51
<b>Ergasheva Madina Toyir qizi</b> <i>INGLIZ TILINI O'RGANISHDA MASOFAVIY TA'LIMNING AFZALIKLARI</i>	54
<b>Нодирбек Кабилович Турабоев</b> <i>ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ МЎЪТАБАР МАТНЛАР ТАСНИФИ</i>	56
<b>Jo'rayev Firdavs Muhiddin o'g'li</b> <b>Hamroqulov Mahmud G'ofurjonovich</b> <i>ZAMONAVIY IT TEXNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN SIFAT BOSHQARUV TIZIMLARINI OZIQ-OVQAT KORXONALARIDA QO'LLASH SAMARADORLIGI</i>	62
<b>З.И. Эргашов</b> <b>А.Э. Рахматов</b> <b>С.С. Яркулова</b> <b>Н.А. Рахронов</b> <b>А.А. Кушиев</b> <i>КУЛДЖУҚТОҒНИНГ МАРКАЗИЙ ҚИСМИ, КЎП ФАЗАЛИ ТОЗБУЛОҚ ГРАНИТОИДИ ВА УНИ ҚАМРОВЧИ ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ГЕОКИМЁВИЙ ИХТИСОСЛАШУВИНИ БАҲОЛАШ</i>	69
<b>З.И. Эргашов</b> <b>Э.Х. Кутлиев</b> <b>Н.Н. Жураев</b> <b>А.А. Кушиев</b> <i>ГЕОХИМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СЕВЕРНЫХ ПРЕДГОРИЙ НУРАТИНСКОГО ХРЕБТА, И ГОР ХАНБАНДЫТАУ, ЕГЕРБЕЛИТАУ, БОЗАНГИР И ПИСТАЛИТАУ</i>	73

## БИР ТАРКИБЛИ ГАПЛАРНИНГ ЭНГ КИЧИК ҚОЛИПИ ХУСУСИДА.

Саидова Мохира Расуловна

Saidova Moxira Rasulovna

Бухоро давлат университети филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация:** Тилларнинг ўзаро таъсирлашуви, ёрдамчи халқаро тилларни яратиш назарияси ва амалиёти, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш муаммоларини интерлингвистика ва таржима назарияси ўрганади.

Тилшунослик фан сифатида она тили ва хорижий тилларни ўрганишда, терминологияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, лисоний матнларни илмий шарҳлашда, машина таржимасида муҳим аҳамиятга эга; мавжуд ва ҳаёлий нарсалар (моддийлик ва гоявийлик)нинг ўзаро алоқадорлиги муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий онгни ва ижтимоий мавжудот бўлмиш инсоннинг ўзини тўғри тушуниш учун назарий хулосалар чиқаришга имкон берди.

**Abstract:** *Interlinguistics and translation theory studies the interaction of languages, the theory and practice of creating auxiliary international languages, as well as the problems of translation from one language to another.*

*Linguistics as a science is important in learning native and foreign languages, developing and improving terminology, scientific interpretation of linguistic texts, machine translation; solving the problems of interrelationship of existing and imaginary things (materiality and ideality), made it possible to draw theoretical conclusions for the correct understanding of social consciousness and the human being as a social being.*

**Калит сўзлар:** Тилшунослик, қадимги ҳинд тилшуноси Панини, рус филологи А.Шахматов, туркийшунослар, синтаксис

**Ключевые слова:** Языкознание, древнеиндийский языковед Панини, русский филолог А. Шахматов, тюркологи, синтаксис.

**Keywords:** *Linguistics, ancient Indian linguist Panini, Russian philologist A. Shakhmatov, Turkic scholars, syntax.*

Европа тилшунослигида ҳам, шарқ фанида ҳам гапнинг энг кичик қолипи махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас. Чунки қадимги ҳинд тилшуноси Панини ва қадимги юнон файласуфи Арасту даврларидан бошлаб XX асрнинг бошларигача мантикий ҳукмнинг ҳам, лисоний гапнинг ҳам эга субъект ва кесим предикат таркибий қисмлардан иборат эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳол сифатида қабул қилинар эди. тилшуносликка рус филологи, машҳур матншунос А.А.Шахматов томонидан киритилган ва мантикий икки бўлакликка зид бўлган “бир таркибли

гаплар” назарияси, унинг мантикий давоми сифатида “бир бош бўлакли гаплар”, “эга таркибидан иборат гаплар”, “кесим таркибидан иборат гаплар” каби тушунчалар бир таркибли ва икки таркибли гаплар орасидаги умумийликни, гапнинг гаплигини белгиловчи ва таъминловчи ҳодисани аниқлаш лозимлиги масаласини қўйди.

Туркийшунослар ба масалани ечишда ўзларига хос йўл тутишди. Чунки туркий гапнинг қурилишида Европа тилларидан кескин фарқланувчи бир хусусият мавжуд: Европа тиллари учун, умуман, гап “эга -кесим” қурилишига молик ва бу тилларда (славян тилларидан ташқари) бир таркибли гаплар хос эмас, чунки ҳозирги Европа тилларида кесим эганинг шахс ва сони ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунинг учун грамматик эганинг гап қурилишида ифодаланиши шарт. Туркий тилларда эса, аксинча, кесим ҳамisha шахс- сон қўшимчалайга эга ва гапнинг эгаси ҳақида деярли тўлиқ маълумот беради. Шу сабабли гап қурилишида унинг ифодаланиши (айниқса, жонли нутқда олмошлар билан бериладиган эганинг) шарт эмас, хатто ортиқчадир. Шу асосда туркийшунослар бу тилларда гапнинг моҳияти “эга -кесим” қурилишида эмас, балки фақат кесимда деб хулоса чиқаришди ва гапнинг энг кичик қурилиши қолипни “атов бирлиги- кесимлик категорияси кўрсаткичлари” сифатида ажратишди. Бошқача қилиб айтганда, “атов бирлиги -кесимлик кўрсаткичлари” бир таркибли ва икки таркибли, содда ва қўшма гапларнинг барча турлари учун умумий, зарурийдир, яъни эга таркибидан иборат бўлган бир таркибли гаплар бўлиши мумкин эмас. Туркий тилларга нисбатан бу ҳукми исботлаш қийин эмас, чунки “Баҳор. Атроф кўм-кўк” каби гаплардаги “Баҳор”. атов гапини бошқа майл ёки замон шаклига кўчирсак, бу гапнинг фақат кесим таркибидан иборат эканлиги кўриниб туради. “Баҳор эди. Атроф кўм -кўк”, “Баҳор бўлса, атроф кўм - кўк” в.х. Бу гаплардаги “Баҳор эди” гапининг кесим таркибидангина иборат эканлигини исботлаш зарур эмас. шунинг учун туркий тилларнинг қурилишига “атов бирлиги - кесимлик кўрсаткичлари” қолипи гапнинг энг кичик қурилиш қолипи сифатида жуда мос ва синтаксисини тубдан қайта кўриб чиқиш имкониятини беради. Аммо славян тилларига бу қолипни тўлиқ тадбиқ этиб бўлмайди, чунки юқорида келтирилган ўзбекча гап рус тилида “Весна .Кругом зелень” шаклида берилди ва бу ўзбек тилидаги “Баҳор. Атроф кўм-кўк”. гапига тўла ўхшашдек туюлади. Ҳақиқатда эса, бу гаплар унча ўхшаш эмас. Чунки рус тилидаги гапни ўтган замонга кўчирсак, икки хил шаклга эга бўлади: 1. “Была весна .Кругом зелень”. 2. “Было весною. Кругом зелень”. есна. Кругом зелень”. матнининг биринчи гапи фақат эга таркибидан иборат бўлган гапми ёки бу шундай бўлакки, унда, рус тилшунослари Шахматов –



Виноградовлар таъбирича ,эга -кесим зиддияти йўқоладими деган саволни ўртага ташлайди. Бунга жавоб бериш босқичма -босқич бажарилган махсус изланишни талаб этади . Зероки бевосита кузатишда берилган ходисаларнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда бу саволга жавоб бериб бўлмайди.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Умумий тилшунослик. Расулов Р. Токент 2010
2. Лингвистик таълимотлар тарихи А.Нурмонов 2012
3. Бобур ва ўзбек адбий тили Х.Назарова Тошкент .Фан.1971
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tilshunoslik-uz/>
5. <https://n.ziyouz.com/kutubxona/category/30-lug-atlar?download=1114>
6. 6 tilshunoslik-terminlarining-izohli-lug-ati-a-hojiyev